

Ўғлим ўдираман, дейди!



«МУХТАРАМ ОТАХОН!

Сиз тўғрингизда кўп эшитганман: ниқилоб бўронларида чиниқиб, Ватан ҳимоясида фаол қатнашган, охир-оқибатда фашизмни ўз макониде қабога тикиб қайтган, кейинги йилларда эса азиз Тошкентимиз камолоти учун фидойилик кўрсатган сиздай оқил бузуқворга хат йўллаб, юрагимни бир бўшатиб оллоқчиман.

Ўзим асли дурадгор наққошман, ҳазрати Навоий номи билан аталадиган театр ганиқларини ўйишда буюк алломалар Уста Ширин, Абдулла Болталар ёнида туриб меҳнат қилганлигим билан ҳаммаша фахрлиман юраман. Шу касбим мени иззат-икром билан фахрли кеңсалик оstonасига кузатиб қўйди.

Афсуски, қариган чоғимда ноқобил фарзандларим туфайли бошимга маломат тошлари ёғилмапти. Келиннингиз Мунаввархон билан кики қиз, беш ўғлини воёга етказиб, ўйли-жойли қилиб қўйдик, ҳаммаларидан ширин-шакер невараларимиз бор. Қизларим ва кики катта ўғлимдан кўнгли тўн. Аммо Маҳмуджон, Ғанижон ва Ғафуржонлар биз чолу кам-лирга ҳеч тинчлик беришмапти, ҳар куним ичиб келиб тўполон қилишади. Учови ҳам пулга ўч: туриш-турмушлари бийовидек бўлсада машинани, участкани сотиб, пулларини тиркилигингизда бизларга бўлиб беринг, деб талаб қилишади. Ҳатто улар катта ўғлимнинг омонат дафтариде саклаётган 4—5 минг сўм-

лини ўлимлик пулимга ҳам чанг солишмапти.

Жуда бошим қотди, отахон: нега болаларим менга, онасига кўп кўтарадиган даражага етиб қолди! Ахир, отани калтаклаш, онани хўрлашдан ҳам оғирроқ жиноят бормикани оламда! Хўш, фарзандларимга нима ёмонлик қилдим! Ҳеч нимага зориктирмай ўстирдим. Ҳар фаслда усталлигим туфайли 10—15 минг сўм пул ишлаб, топганимни шуларнинг оғзига тикдим, уст-бошига харжладим, пул деса 100—200 сўмлаб қўлларига тутқаздим. Жисмонан қийналишмасин деб енгил-елли ишларга жойлаб қўйдим: Маҳмуджон — нонвой, Ғани савдода, Ғафур — қоровул. Сменадан бўшаган пайтларида улар ҳам ёнимда ишлаб, беш минглаб сўмини чўнтакларига уришади.

Шунча эрмалашларим оқибати нима бўлди, дегил! Жиноят йўлига кириб, икковни қамалиб чиқди. Суюкли кенжам Ғафуржон эса «ўёқин» кўрмаёқ айниб кетди: ҳар кики сўзининг бирда «Ота, сени қолиб таш-пайман», «Она, сени сўяман» деган даҳшатли гапларини тилга олади.

Нима қилай, отахон, маспахатингизга муҳ-тожман!

Эҳтиром билан,

«Янги Тошкент» маҳалласида
яшовчи уста Аҳад ҚОСИМШАЙХОВ».

Донобувадан мактуб

«Она қарғиши-дўқ, ота қарғиши-ўқ!»

ВУЖУДИМ титраб-қақшаб ўқиб чиқдим хатин-гизини, уста Аҳад!

Йўлда кетаяпману, нуқул отанинг боши узра болла кўтарган, она қалбига пичоқ қадаётган инс-жинслар кўз ўнгимда гавдаланади. Маҳаллага етиб келиб, чехраларида донолик ёғдулари яқлаб турган оқсоқоллар билан сўхбатлашганимдан кейингина бироз ўзинга келдим. «Янги Тошкент» — шахримизнинг энг кўркам ва аҳил маҳаллаларидан бири. Одамларини айтмайсизми, бирам оққўнғил, бирам сертвозе кишилар эканларки, тилларидан бол томида.

— Ҳа, энди гурунч кўрмакка бўлмас экан, отахон, — деди маҳалла комитети раиси Абдурашид Аҳмедов гўё ўзи оғир айб қилиб қўйгандай, — биз кўп ҳаракат қилдик...

Очигини айтсам, Уста Аҳад, ўғилларингизнинг деярлик ҳаммаси билан сўхбатлашдим, аммо уларнинг лутфи каломидан болаларининг бирор нонжия қилиқ қилишларига ишонқирамадим. Бориники, фарзандларингиз сизга, оналарига кўп кўтарсин ҳам дейлик. Хўш, энг аввало, бунга ким айбдор? Ахир, Афанди ҳам оғилдан қочиб чиқиб экинни пайхон қилган бузоқ учун боғлиқ турган ҳўкинзи: бекорга саваламаганку! Халқимизда «Болани — бошдан, ниҳолни — ёшдан» деган нақл бор. Ўсимларини ўз майлига ташлаб қўйган ким? Сиз, уста Аҳад! Уларни тийин ўрнига сўмлар бериб талтайтириб юборган ким! Яна сиз, уста Аҳад! Бола кингир қилқилар қилганида, «Ҳа, улғайса қўйилиб қолади», дея эътиборсиз-лиқ қилган ким? Бу — сизнинг ўзингиз, уста Аҳад! Худди шулар учун ҳам жажоки газетамизда, энг аввало, гап билан сизнинг ўзингизни савалашга аҳд қилдим, ҳой, уста Аҳад!

Лутфимизда «Кўш урсинда кўрганни қилади» деган ибора бор. Етакчи театримики бешаша иштирок этганингиз учун сизни шарафлаймиз. Аммо йўлға бир кун қоровуллик қилиб, уч кун фақат пул топиш пайида бўлганингизни, оқибатда болаларингизни ҳам пулпараст қилиб қўйганингизни оқлаб бўлмайди. Ахир, сеҳрли ҳўнарингизни ишга солиб, уларини нақшинкор қилиб берганингиз учун неча минглаб пул чўзган ўша шахслар бели синмаган бу «червон»ларни пешона тери тўкиб топган, деб ўйлайсизми? Маҳаллада ҳам шу савол устиде кўп бош қотирилди.

Ва, ниҳоят, жисмида кучи жўш уриб турган ўғилларни заводларга, қурилишларга жойлаштириш ўрнига қоровулликде бир сутка мудраб ўтириб, уч кун «чапакчи» ишларга ўргатиб қўйган ҳам ўзингизку, ахир!

Тўғри, сиз буларнинг ҳаммасини участка курай, қизларни чиқарай, ўғилларни уйлантирай, машина сотиб олай, деган эзгу ниятлар билан

қилгансиз. Афсуски, уста, ўғилларингизнинг келажакини, уларнинг эл-юрта манфаатли кишилар бўлиб етишишини ўйламагансиз.

Аммо қисматингиздаги бу қора бўёқлар ҳам ўғилларга отани, онани хўрлашга асло изн бермайди. Ақидаимиз шуни талаб этади: падари бузурук, онамзор фарзандлар наздида энг буюк ва эҳтиромли зот, ота-она, хоҳ улар ахшидир, хоҳ ёмондир, фарзандлар томонидан энг олий ҳўрмату иззатга ноил. Шундай экан, катта ўғил сифатида сиз, Муҳаммаджон, кичикларини измин-гизга солишга қодирлик қилишингиз лозим. Бу эзгуликнинг жirosида укангиз Раҳимжон биринчи кўмақдошингиздир.

Маҳмуджон, Ғанижон ва Ғафуржонларнинг қилмишларини эса асло кечириб бўлмайди. Ҳа, сизларни жамоа кечирмаслиги шумкин. Аммо самимий ва сўнгги тавбадан кейин ота-она бағрининг қўл-қалити беихтиёр очилиб кетаверади. Чунки, ота учун, она учун оламда фарзанддан лазизроқ нарса йўқ. Бунини, айниқса, сиз Ғафуржон ўғлим, сира суистеъмол қилмаслигингиз зарур. Волидан бузурук ва онамзорга кўп кўтариш нари турсин, тик боқшининг ўзи удуимизга мутлақо бегона хислат. Умуман, ота тирик бўлатуриб, мерос талашиб юриш кеңсалиқни оёвсоти қилишининг ўзгисиз эмасми? Васият — ҳуқуқий мажмуаларимизда ота эркига бериб қўйилган мутлақо дахлсиз ваколатдир. Ақл-идрок, одоб-икром, ҳўрмату эҳтиром, меҳр-муҳаббат — ваколатли кимса қалбини илтидаган ва эрнтадиган шу фазилатлар туфайлигина фарзандлар муд-дога эришишлари мумкин.

Ҳўлгига кирдим: шарқона бетакор қошона-нинг ўзгисини. Беихтиёр уста Аҳаднинг санъатиға ҳамду сано айтмасдан иложингиз йўқ. Шу участка сотилди ҳам дейлик. Ахир, болажонлар, уй-жой муаммоси чирсиллаб турган ҳозирги пайтда кеңса ота-онангиз қайси эшикка бош уришади!

Машойихлар дебди: «кеңсалардан дуо ол, дуо олтин эмасми!». Менимча, энг аввало, ота-она-нинг дуо-рахмати ижобатлидир. Лекин халқимизда «Она қарғиши — дўқ, ота қарғиши — ўқ» деган бир ҳикмат ҳам борки, унинг замирида ниҳоятда чуқур мантиқ бор. Унинг мазмунини яхшироқ ўқиб олинг, азиз болажонларим...

Мана, падари бузуқворингиз ҳўзуримда кўз ёши тўкиб ўтирибди. Бир кўмас бир кун сизлар ҳам бу қайтармон замонда фарзандларингиздан нолиб кўз ёши қилишингиз мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрсангизлар чакки бўлмасди. Кўпни кўрган бувагининг насихати шу!

ДОНОБУВАГА невараси

Абдулла НУРБЕК ҳамроҳ бўлди.



Олмамиз ҳил-ҳил пишибди...
Сураткаш Ш. Иброҳимов лавҳаси.

Маҳаллада дув-дув гап

— Ҳа, ичиде битта ҳам «простой»и йўқ, ҳаммаси четники.

— Нимасини айтасиз, менинг қизимга ҳам бир-икки оғиз солувди, ҳеч нарсаси бўлмаса, балосига бераманми, дедимиз...

— Келинни ўғлининг ўзи топибди, чиройликина экан-а?..

Орадан бир ҳафта ўтди.

— Ҳой, эшитдингизми қўш-нижон? Баҳри «қуйиб» қопти. Келини ўғлини олиб кетибди. Қайёқча кетганини билмас-ми, дедимиз. Инглаб юрганмиш бе-чора...

— Неге?

— Неге бўларди, ҳамма қилган сарполари омонат экан. Эгалари бирин-кетин сўраб олиб кетишибди. Хафа бўлган келинни кўрган Баҳ-ри:

— Ҳаммасини олиб бераман секин, — деган экан. келин йнглаб:

— Ишқилди ўғлингиз омонат эмасми? — дебди. Эртасига ишдан дадасининг машинасида қайтибди. Қўда ҳам қўвни машинага ўтири-гизибди-ю, жунаворипти. Ана, шунақа. Ёлғоннинг сир-и очилди. Яхшиям қизин-гизини...

Ш. БАҲРОМОВА.

Тоживой тажанг шаҳар кезади

● ҚИЛДИ БЕЗОР

БУ БЕЗОР

Йўлим тушиб шаҳардаги «сомон» бозорига бордим. Форобий кўчасидан бўрилиб бозор кўчасига кириб дам ёқамни ушлайман, дам бурнимга рўмолчамни тутаман. Шаҳар ўртасида шундай ташландиқ жой борлигига ишонмай атрофга қарайман. Кўчаларнинг чанги чиқиб ётибди, бу ерда кўча четидеги ариқдан сув тошиб, атроф эса лойға ботган. Кўча яқин ўртада асфальт кўрмаганидан сув бетиде туянинг ўрқачиде «оролчалар пайдо бўлибди. Ариқдаги сув сасиб, қўланса ҳид кўнглингизни бе-ҳўзур қилади. Бир томонда сомон, хашак уюмлари, бир томонда тахта, эшик, ром. Шаҳарликларга сува ва ҳаво-дай зарур бу бозорнинг аҳо-лини кўриб жуда гижиниб кет-дим.

Ҳой, барака тоғпур мутасад-дилар, бозор аҳолидан бир хабар олсангларчи!

● УЙНИНГ ЯРМИ ШАҲАРДА, ЯРМИ ЭСА...

Бир танишим «Биз ҳам ярим шаҳарлик бўлиб қолдик, хабар ҳам олмайсиз», деб қолди.



Тошкент районидеги Охунбо-боев номи колхозининг шаҳар-га туташ участкасида яшовчи ошнамнинг уйи шаҳар терри-ториясига чала ўтибди. Аниқ-роқ қилиб айтганда, электр тармоғи шаҳарга қарайди, уйи эса қишлоқ району терри-ториясида экан. Қақчақлашиб ўтиради, деб борганига минг пушаймон бўлдим. Оғайини газ учун раёнога, электр учун шаҳарга элр югуриб юрган экан. Гоҳ электрини сиз бизга қарамасиз, деб райондагилар ўчириб кетишади, гоҳ шаҳарлик лар. Уф, шу ҳам иш бўлдию, наҳотки поитахт электр тар-моқлари бошқармаси бу му-аммони узил-кесил ҳал этол-мас?

Тоживой акага жияни
С. ШАМСИДИНОВ
котиблик қилди.

Б и з ҳ а м и ш а бир-биримизга керакмиз!

КПСС Марказий Комитетининг яқиндагина бўлиб ўтган Пленуми миллатлараро муносабатлар масаласини атрофлича таҳлил қилиб берди. Совет коммунистларининг бу улкан анжуманида билдирилган ҳолис фикрлар, қабул қилинган қарорлар, айнқса, унда партия ва давлатимиз раҳбари М. С. Горбачев доклади кўпчилик қатори республикамиз пойтахти меҳнаткашларида ҳам катта таассурот қолдирди.

Мухбиримиз Д. Зокирова маҳаллалардаги турли миллат вакиллари билан учрашиб, уларга қардошлиқни сиз қандай қадрлайсиз, деган биргина савол билан мурожаат қилди. Жавобларнинг дунда назмуни шундай бўлди: биз шодиёна кунларда ҳам, бошга кулфат тушган дамларда ҳам доимо бир-бирларимизга керакмиз!

Ленин назарида интернационализм миллий манфаатларни, ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини ҳурмат қилишни, барча халқларнинг тенг ҳуқуқлигини эътироф этишни, миллий зулмнинг ҳар қандай шаклларига нисбатан муросасиз муносабатини албатта ҳисобга олишни ўз ичига олади. Бу мақсадларга барча миллатларга мансуб меҳнаткашларнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлашлари билан эришилиши мумкин ва керак.

(КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленуми материалларидан).

Э Ў З О З



Семен
ОСИПОВ,
шахсий
пенсционер.

— Армия сафига чақирилганимча Сахалин оролида ҳисобчи бўлиб ишлаганман. Урушнинг дастлабки кунлари ҳаммамиз учун оғир бўлди. Аммо биз турли миллат жангчилари бир-биримиз билан иноқ бўлиб, фашизм деб аталган мудҳиш вабога қарши отланганимиз учун ҳам ғалаба қилдик. Очилини айтганда, ғолиблигимизнинг асосий омилли шу қардошлигимиздир. Икки дўстим — татар ва анджиконлик ўзбек йигитлари жангда неча марта мени ўлимдан сақлаб қолишди, тошкентлик ёшгина солдат ярадор бўлганимда ўқ ёлғирни остидан олиб чиқди, ўшанда у оддий бир рус жангчиси учун ўзи ҳалок бўлиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмади. Шунда мен «Агар уруш тамом бўлиб, соғ-саломат қолсам, албатта Тошкентга бир марта бўлса ҳам бораман» деб кўнглимга тугиб қўйган эдим. Ниҳоят, ғалаба айёми ҳам етиб келди. Орауим ушалди. Нафақат бир марта, шу шахри азимнинг доимий гражданига айланиб қолдим. Оғир уруш йилларида етим қолган болаларни, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини бағрига олган ўзбек диёрининг, ўзбек халқининг ғоятда самиямлиги, меҳрибонлиги, меҳмоннавозлиги, инсон қадр-қимматини ғоятда эътилолашини ўз кўзим билан кўрдим. Бу оқёнғил, дўстликка садоқатли одамларнинг бир умрлик азиз одами бўлиб қолдим.

Ноёб бойлик



Едгора
МУСАЕВА,
тикувчи.

— Халқимизда ажойиб бир ривоят бор: «Момо Ҳаво эгизак фарзанд кўриб, уларни Сирдарё ва Амударё бўйларида воғга етказибди. Она эгизакларига ўзбек ва тоқик деб ном қўйган экан». Албатта, бу — афсона, аммо замирида чуқур маънавий бор. Мен ва турмуш ўртоғим асли Тожикистонданмиз. Эсимиз

ни танибмизки, Октябрь райомида истиқомат қиламиз. Тўрт фарзандимиз воғга етди. «Ўзоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши», — деганларидек қўни-қўшниларимиз билан ҳамиша аҳилимиз. Бири опа, бири сингил, яна бири ака бўлса, бири укадай доим бизни эътилолашади. Тўю томошада хизмат, азада ҳамдардлик, бошга иш тушганда оғанилик, яъни бир сўз билан айтганда одамгарчилик ўзбек халқининг қадимий ноёб фазилатларидан биридир. Айниқса, ҳашар—ўзбекнинг бебаҳо анъанаси. Тўй қилганда, маросимларда ҳамма камарбаста бўлиб ёрдамга шошади.

Она — ҳар доим она. Фарзандимнинг қадди-камолини кўриб қувонар, бошини иккита қилиш орузида эдим. Ниҳоят тўй куни белгиланди. Дарҳақиқат, тўйимизнинг бошидан охиригача бош-қош бўлган, дастурхон безатишу, пишириқ пиширишгача, турли нозу неъматларни тайёрлашдан тортиб меҳмонларни куттишгача барча ишларни ўз зиммасига олган маҳалламиз аҳли — ўзбек биродарларимиз саховатидан миннатдор эканлигимизни қай йўсинда изҳор қилишга ожизмиз. Демокчиманки:

— Аҳиллигимиз йўқолмасин, бизнинг энг нодир бойлигимиз — дўстлигимиздир.

Аҳил оила



Маруся
НИЯЗОВА,
уй бекаси.

— Бу саховатли ўзбек диёрида ота-боболаримиз унуб-ўсиб, тул қўйиб, палак ёзди. Отам доимо ўзбек халқининг фазилатларини мақтар, урф-одатларини ҳурмат қилар ва бизларни ҳам шу руҳда тарбиялаганди. Мен ҳам шу диёрда туғилиб, воғга етдим. Турмуш ўртоғим Нери Ниязов фалокатга учраб вафот этганига 17 йил бўлди. 6 ёш бола билан қолдим. Фарзандларимнинг бари ўзбек биродарларим кўмагида воғга етиб, ўз ўринларини топиб олишди. Ҳозирги кунда эса ўзим 12 набиранинг бувисиман. Маҳаллада ҳамма бир оила аъзоларидай оғани бўлиб кетишган. Тўй-ҳашам ва маъракаларда, ҳашар ва бошқа талбирларда барча бирдек қатнашади. Ўзбек халқида бир гап бор: «Маҳаллада яшай-санми, унинг интизомига риоя қил». Маҳалла интизими эса ҳаммани, айниқса, ёшларни чакки қадам босишдан тийиб туради.

Ҳадемай районимиз ўзининг 60 йиллик таваллудини нишонлайди. Бу — 20 дан кўпроқ миллат вакилларини ўз бағрига олган кўҳна Тошкентнинг яшариш тўйи, қардошлигимиз тантанасидир.

Ўзбекман десам...



Наталья
НАЗАРОВА,
ошпаз.

— Кичкиналимдан ўзбек қизларига ҳавас билан қарардим. Ҳатто уларнинг кийган кийимлари-ю, урф-одатларига таъдил қилардим. Бу ҳавас бора-бора ўзбек халқига нисбатан самимий ҳурмат ва муҳаббатга айланди. Шу босданми, тандирини ўзбек йигити Баҳодир Назаров билан боғладим.

Ҳар бир миллатнинг асрлар давомида шаклланган қадриятлари бор. Ўзоқ йиллар давомида миллий маданиятга нисбатан ҳурматсизлик билан қараб келинганили, бу жиддий хатонинг қайта қуришнинг ҳозирги палласида бартараф этилаётганлиги халқларимиз ўртасидаги қардошлиқни янада мустаҳкамлаш учун замин яратди.

Ранг-рўйимга боқиб ҳамма мени рус дейди. Аслида ҳам шундай. Аммо ўзбек оиласининг аъзоси, шу оиланинг онаси бўлганлигим учун ҳам мен ўзимни ўзбек дейишга ҳақлиман. Зеро, икки халқ фарзанди бўлишдан ҳам улутроқ бахт йўқ!

Бошга кулфат тушганда



Шафика
НАГИМОВА,
пенсционер.

— Ешим 83 да. Тақдир тақозоси билан бу диёрга келиб қолганимга ҳам олти йил бўлди. Мана шундан бери Октябрь районида истиқомат қиламан.

Айниқса, 1966 йилдаги даҳшатли зилзила рўй берган кунларини эста олсам... Эрта тонгда Тошкент меҳнаткашларининг миллион юраги атир гул барнига қўнган шабнамдек титради. Оқибатда тошкентлик минглаб оила бошпанасиз қолди. Шунда Тошкентга бутун мамлакат ёрдам қўлини чўзди. Дарҳақиқат, кишиларнинг бир-бирига оқибати, бири-бирига меҳри ана шундай бошга кулфат тушган пайтда билинар экан.

Азизларим, кенса бувиимизнинг дил сўзлари шу: Ленин бош бўлган шу дўстлик оиласини муқаллас билиб, унинг яқдиллигини кўз қорачиғидай асранг!

«Маҳалладош»га жавоб берадилар

«Бургага аччиқ қилиб...»

Юқоридаги сарлавҳа остида тананг акамиз қаламга мансуб танқидий мақола юзасидан редакциямиз шаҳар болалар клиник касалхонаси бош врач А. Қосимов нмзоси билан жавоб хати олди. Унда, жумладан шундай дейилади:

«Мақолада билдирилган танқидий фикрлар тўла тасдиқланди. Шифохона территориясидаги чиқиндилар шаҳардан ташқари чиқариб ташланди. Аммо касалхонага туташ тўқиз қаватли бино олдидаги ахлат бизнинг ва шу уйда яшовчиларнинг жуда кўп талабларига қарамай ҳанузгача ташиб кетилмаётган. Бу вазифа «Автодормехбаз» зиммасида. Шифохонамиз эса махсус транспорт воситаси бўлмаганлиги туфайли ахлатни йўқотиш имконига эга эмас».

Хўш, танқидий чиқишимизга «Автодормехбаз» раҳбарлари қачон жавоб қилишар экан!

Танқиддан кейин...

«Ҳафсалангизга баилли» ҳамда «Ўзингизни юминг, пайиш!» сарлавҳали мақолаларга шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Г. Рустамов нмзоси билан бирданги иккита жавоб келди.

— «Танқиддан кейин шунини маълум қиламизки,— дейилади жавоб мактубларнда, — «Себзор» массивидаги 39 ва 40, Догистон кўчасидаги 42 ва 44-уйлар олдиди, Ҳасанов маҳалласидаги ахлат уюмлари қисқа фурсат ичнда йўқотилиб, шу атрофларда санитария ҳолати яхшиланди. Чиқиндиларни мунтазам ташиб туриш юзасидан мутасадди ташкилот раҳбарларининг масъулияти кучайтирилди».

«Эшик қолиб тешикдан»

«Маҳалладош»нинг шу йил 2-сонда ана шу сарлавҳа остида танқидий мақола босилиб, унда Киров районида қарашли «Обод» маҳалласи территориясида жойлашган автобазе шофёрларни эшик қолиб тешикдан, яъни асосий дарвоза қолиб, автобазанинг орда томонидан чиқибгани ҳақида фикр юритилган эди.

Мақола юзасидан редакция Киров район Совети ижроия комитети раиси Р. Каленов нмзоси билан жавоб хати олди. Унда, жумладан шундай дейилади: — «Район Совети ижроия комитети «Эшик қолиб тешикдан» мақоласини бевосита ўша жойга чиқиб, атрофича кўриб чиқди».

Район Совети ижроия комитетининг 111-сон буйруғи билан 2515-автоконтроль машиналарининг Наманган кўчасидан чиқишга барҳам берилди. Ҳозир автотранспорт ҳаракати Жаҳон Обидова кўчасига кўчирилди».

Маҳшўра эндигина ҳовли-ларига сув сеип, супуриб ҳам бўлудди, дарвоза кўн-гирог кетма-кет жирингла-ди.

— Очақолинг болам. Да-дангиз келган бўлсалар ке-рак, — деди невараларига қараб ўтирган Мукаррам ая.

— Вой, ойиқон, Манзура омамлар келишди, — деди Маҳшўра...

Ойиси билан ўпишиб са-ломлашган Манзура дадаси-ни сўради.



— Э. болам даданнинг одатини биласан-ку. Доим маҳалла ташвишлари билан бандлар. Ҳақи тўй маслаҳа-тига кетадилар, ҳали қара-санг, маъракага... Нарини кўчадаги қўшимиз келин тушираётган экан. Шунга маҳалладаги қарияларни мас-лаҳатга қақарибди.

— Пенсияга чиқиб ҳам тинчимабдиларда, дадам, — гина қилган бўлди Манзура. — Эртага эрта билан қай-тишим керак...

Шу пайт кириб келган Ра-фиқжон отага кўзи тушди-ю, Манзура дик этиб ўрнидан турди.

— Ассалому алайкум, да-дажон. Қачон келсам уйда йўқсиз.

Қизининг саломига алиқ олиб кўёви ва невараларин-нинг ҳол-аҳволини сўраган Рафиқжон ота:

— Ҳа, қизим, одамларга қўшилиб юриш керак. Ма-ҳалламиз тинч, обод, одам-лари яхши бўлса, ҳамма ҳа-вас қилади, ахир, — деб қў-шиб қўйди.

Биз ҳиноя қилаётган бу серфаёз хонадон соҳибни Ра-фиқжон ота Собиржонов шахримизнинг Ленин райони-га қарашли Сарикўл ма-ҳалласида йшайди.

Отажон 44 йиллик меҳнат

фаолиятини темир йўл хиз-матига бағишлади. У аввали-га 2-вагон депосида оддий иш-чи бўлиб меҳнат қилди. Ке-йинчалик эса поезд бошлиғи, пассажир поезди ревизори бўлиб ишлади. У «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун», «Жанговар хизматлари учун» медаллари билан му-кофотланган. Мана бир йил-дирки, у киши қарилқ гаш-тини сурмоқдалар. Лекин уни доимо маҳалла фаолла-ри орасида учратасиз. Ра-

Фаолларимиз

Раиснинг

ўнг қўли

фиқжон ота—маҳалла коми-тети раисининг ўринбосари. У маҳаллада ўтказилаётган ҳар бир тадбирга бош-қош.

1983 йилда маҳалла фаол-ларининг ташаббуси билан «Оталар чойхонаси» ёнига Улуғ Ватан уруши қатнаш-чилари хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. Бу ташаббуснинг амалга ошишида маҳалла комитети раиси Носир ака Абдураззоқов ҳамда Рафиқ-жон оталар жонбозлик кўр-сатишди.

Фарзанд камолди ота-она учун энг катта бахт бўлса керак. Отажон ҳам рафиқаси Мукаррам ая билан 9 фар-зандни воёта етказди. Улар-нинг барчасини — 5 ўғил ва 4 қизини эл-юртга нафи тега-диган кишилар қилиб тарбия-лади. Эндиликда улар ҳаёт-да ўз ўринларини топиб ке-тишган.

Ҳозир Рафиқжон ота Со-биржонов маҳалла аҳлининг галаби билан бу ерда спорт майдони қуриш, сартарошхо-на очиб каби ишларни амал-га ошириш учун ҳаракат қилмоқда. Ҳамиша эл-юрт ташвиши билан яшаётган бу отажонга унинг ўз сўзлари билан шундай деймиз:

— Халқ гамини еган одам асло кам бўлмайди!

Шарифа ИЛЕСОВА.

Бу кишилар—биздан...



Қўшчинор чироқлари

МЕХРИ ОПА ВА ЗИЁД АКА Дўстматовлар хо-надониға оила бошлиқларининг фарзандлари, яқинлари, танишлари, қариндош-уруғлари, маҳал-ладошлари йиғилишди. Боиси, шу кун Мехри ая кутлуғ олтимиш ёшга тўлган, Зиёд ака билан умр ипларини боғлашганига қирқ йилдан ошганди.

Оила бошлиғи Зиёд ака меҳнат фаолиятини бошлаганидан то пенсияга чиққунча ички ишлар органларида ишлади. Бугунги кунда ҳалол ва фидокорона меҳнатларининг рамзи—ҳукумат ор-денлари ва медаллари кўксини беэаб турибди. Ўғилларидан бири Зиёвуддин ҳам ота изидан бориб, ички ишлар органларида ишламоқда. Дарҳақиқат, ўн икки фарзандидан ўн нафарини илм-хунарли, ўйли-жойли қилган оила бошлиқла-ри учун бугунги кун бир умрга татигулки!

— Тожик бадий буюмлар фабрикасида ўн беш йил ишлаганман,—дейди ая,—у ерда ортти-рган дугоналаримни эслаганимда қувониб кета-ман. Қизларимдан энг кенжатоини турмушга

узатганимда, республика Олий Совети Президи-уми биносида «Қаҳрамон она» ордени топири-лаётган тантанали онларда, энг кенжатоим Но-дирхон эркали қилганида, ўғил-қизларимдан биронтаси тўйга айтиб келганида ҳам шундай ҳисси туяман...

Шу кун Собир Раҳимов районидидаги Абдулла Набиев маҳалла аҳли қўш чинор кексаларни узок табриқладилар. Умр чироқлари — фарзанд-ларидан кимдир ўз қўли билан тикиб келган кийим-кечак, кимдир суратлари туширилган бе-зақли портрет, қайсилариди даста-даста гулу юрак сўзлари билан таваллуд соҳибларини му-боракбод этди.

Биз Дўстматовлар оиласи аъзоларини коллек-тив бўлиб суратга тушишга таклиф этганимизда, катта айвон сатҳи торлик қилиб қолди. Қарқалай суратқашимиз маҳорати асқотди. Бунинг ўзинингиз ҳам кўриб турибсиз.

А. МАННОПОВ.

Хонадон кўрки

ШАҲРИМИЗДА шундай обрўли, эл назарига тушган кишиларни учратишимиз мумкинки, улар ҳақида қанча мароқли гаплар гапирсак, ширин сўзлар битсак шунчалик оз. Халққа, элга сидқидилдан ҳалол меҳнат қилган бундай кишиларнинг бири Чилонзор районидидаги «Мевазор» маҳалла-сида кўп йиллардан бери истиқомат қилиб кела-ётган Савдаскархўжа ота Ҳасановдир. Ота ўз фаолиятини педагогик касби билан боғлаб ян-лишмади. Ёшларни коммунистик руҳда тарбия-лаш, уларда яхши инсонларга хос бўлган жамеки хусусиятларни мужассамлаштиришга бор куч ва ғайратини сарфлади. Чилонзор районидидаги 162-ўрта мактабда ўқувчиларга ихлос билан таълим берди. Ҳозир эса кекса педагог пенсионерлик гаштини сурмоқда. Унинг турмуш ўртоғи Тожи-

хон ая эса оилада болалар тарбияси билан шу-ғулланди. 7 фарзандни, яъни уч қиз, тўрт ўғил-ни камолга етказди. Фаровон ҳаётимизда фар-зандларнинг воёта етиб, халққа хизмат қилиш-ларини биз ота-онага бўлган ҳурмат, Ватанга, юрти билдирилган ишонч ва миннатдорчилик тўғрисида деб тушуномимиз зарур.

Бу пайр бадавлат отахон ва онахонларимизнинг 26 невар ва 11 заварлари бор. Ота-оналар ўз фарзандларига ҳавас билан қараб, уларга: «Бо-лажонларим, ҳалол меҳнат қилинг, тўғри сўз-ланг, тўғри юринг, ҳар доим эл хизматида бў-линг» дейдилар. Бу табаррук сўзларини фарзанд-лари қалбига ёшлиқданок қанчалик кўп сингди-риб борилса шунчалик яхши. Бекорга айтмайди-да аҳил хонадон маҳалла кўрки деб.

Шоира МУЗАФФАРОВА.

Янгича аъналар

Хатони

ким тузатади?

Тўйхона—тарбияхона

Инсон ҳаётида умр тўйи абадий эсда қола-ди. Тўйда икки ёшининг муҳаббат ришталари боғланиб, жамиятимиз-нинг дастлабки асос-пойдевори пайдо бўла-ди. Бу пойдевор ўғлиш билан бугунги кунни, бугунги кун билан кела-жакни боғлаб турадиган «қолтин» халққа замона-сига муносиб авлодин етиштириб берадиган тарбия маскани, ошени-дир. Шунинг учун ҳам никоҳ тўйлари гўзал, камтарона ва эсда қо-ладиган бўлиб ўтмоғи керак. Биз яшаб турган «Шарк» маҳалласидида тўйларда ибрат олса арзигулки, ихчам, ор-тинча сарф-харажати-сиз, дабдабасиз, замон руҳи-га мос ҳолда тўйлар ўт-казилмоқда.

Тўй кечасидида сўз-лар, бадий чиқишлар, санъаткорларнинг ашу-лаларида тарбиявийлик тарануми этилади. Никоҳ кечаларида айтилган сўз-лар заммида инсоний-лик, дўстлик, аҳилик, аҳду, вафо, фидойилик, эл хизматиға, ватан хиз-

матиға садоқатда бўлиш каби хислатлар мужас-сам бўляпти.

Маҳалламиздаги ҳур-мат ва эҳтиромга лойиқ оилавлар (Рустам ота Бо-боев, Абдуқодир ота Со-диқов, Ҳикмат ота Қура-тов, Орифжон ота Ҳаки-мов ва бошқалар)нинг аҳиллиги, фарзандлари-нинг қобилийги меҳнат-севарлиги тўйларда иб-рат қилиб кўрсатилади.

Инсонни танитадиган нарсаси унинг фақат ки-йими эмас, балки одоби, камтаринлиги, очик юз-лигиндир, дейди доно халқимиз. Биз тўйхона-ларда одамлардан яхши хислатларини олиб, улар-нинг қадр-қимматиға етайлик. Зеро, тўйда узок қўришмаган ёр-биродарлар, ҳамкасб-лар, мактабдошлар, синфдош дўстлар билан дийдор кўришиб қалб-лар қувончига тўлади. Рудейки айтганидек:

Жаҳоннинг шодлиги
Янғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан
Бўлолмас устун.
Биз тўйлардан маъ-

навий дам олиб, кай-фиатини соғлаб эртанги ишимизга яхши кайфият билан борамиз, иш унумимиз баракали, сал-моқли бўлади.

Маҳалламиздан ети-шиб чиққан санъат бў-йича маълумоти етук оилавий санъаткорлар Даврон Қодиров, Бах-тиёр Раҳимов, Наби Му-минов, Шоҳиджон Со-бировлар маҳалламиз тўйларида доимо санъ-атлари билан хизматда бўлиб, эл эъзозига се-зовор бўлишаяпти, тўй соҳибларини ортинча харажатлардан фориг қилишаяпти. Улар ай-таётган ашулалар, қў-шиқлар гоёвий, тарбия-вий жиҳатдан етук. Клас-сик куй ва қўшиқлар-га ҳам алоҳида аҳамият берадилар.

Афсуски, айрим тўй кечаларида ютарчи-ларнинг ашулалари, тўй кечасини бошқарувчи-ларнинг маънавий қаш-шоқлиги тўйфайли, тўй-хона қанчалик гўзал дид билан безатилиб, дис-турхон тўйин бўлишига қарамай кечанинг чи-

ройига соя ташлайди. Баъзилар эса ноўрин қизқиқчиликлари билан тўй иштирокчиларига ҳурматсизлик қилади-лар. Айниқса, ёшлари-миз тарбиясига салбий таъсир кўрсатадилар. Биз, маҳалла аҳли, зиё-лилари, жамоат вакил-лари ҳамжиҳатлик бил-лан санъатимизга доғ тушираётган бундай шахсларга танбеҳ бери-шимиз керак. Ахир, биз фан ва маданият тарақ-қи тайвотган даврда, партияимизнинг қайта қу-риш сиваси инқилобий жараёнининг шаббодла-ри ҳаётимизнинг ҳам-ма жабдаларинда сези-ларли эсвётган давр-да яшаяпмиз. Тўй кечаларимиз гоёвий, маънавий, тарбиявий жи-ҳатдан мукаммал бўлиб, том маънода тўйхона — тарбияхона, одобхона маскани бўлиб қолсин.

Ахборхон ҲАЙДAROV,
Тошкент шаҳар А. Ик-ромов районидидаги 229-мактаб ўқитувчиси, Ўз-бекистон ССР халқ мао-риф аълочиси.

ҲЕЧ кимга сир эмаски, метро шаҳар транспортнинг энг қўлай тури. Айниқса, «Ўзбекистон» шохобчи-сининг биринчи навбати ишга туширилгач, авиасозлар шаҳарчаси билан марказ ўр-тасидида қатнов кескин ях-шиланди. Бундан ниҳоятда миннатдоримиз. Бироқ архи-тектур ва планлаштириш тапшиқлотларининг узоқни қўзламасдан иш тутанликла-ри тўйфайли шаҳарчамиз қиёфаси хунуклашибгина қолмай давлат ва аҳолига жуда катта моддий зарар ҳам етказилди. Агар метро депоси илгари Ёзгиланган аҳоли сони кам жойда қурил-ганида бу аянчли аҳволга тушиб қолмаган бўлур эдик.

Ҳозирчи? Қўзлаб хонадон-ларнинг уйлари бузилди, катта «Посёлка» канали тар-моқлари шикастланиб, ўрлаб ариқлардан сув оқмай қол-ди. Оқибатда хонадонлариди сархил мевали дарахтлар қу-риб, сувсизликдан томорка-ларимизда полиз маҳсулот-лари етказомай, бир қило сабаби ёки помидор учун ҳам бозорга югурадиган бўлиб қолди. Бу ҳам майли. Депо деворлар билан ўраб ташлан-гач, Ховос, Ёғжудов ва

Хайтарчи кўчалари тўсиб қўйилди. Оқибатда неча юз-лаб ишчи ва хизматчилар қишда лой, ёзда чанг, тор йўлалардан 1,5—2 километр ортинча айлана йўл босиб, автобуслар бекатларига аранг қиқиб олишмоқда. Ахир Бой-сун, Ховос ва Ёғжудов кў-чаларини бир-бирига улаш учун жуда катта куч ва маб-лағ талаб этилмайди-ку!

Даволаш муассасалари Шумилов шаҳарчасида жой-лашган. Уруш ва меҳнат ве-теранлари, инвалидлар, бо-лалар ва ҳомилдор аёллар транспорт қатнови узил-иб қолгандан кейин поликлини-ка ва шифохоналарга етиб боролмай жуда қийна-лишаяпти. «Тез ёрдам» ва ўт ўчириш машиналари жуда кўп кўчаларга умуман киролмайди.

Хўш, ҳозирку бир нав, қишнинг ёмғирли-қорли кун-лариди аҳволимиз нима ке-чаркин? Қолаверса, бу хато-ларни қачон ва ким туза-тади?

М. РАСУЛМУҲАМЕДОВ,
22-маҳалла комитети ра-ис.

Б. ЮСУПОВ,
маҳалла комитетининг секретари.

Ачкик, аммо очиқ гаплар

Ёрдам қўлини чўзинг

Юнусободда ҳамма уни оқ-соқол маҳалла деб атайди. Дарҳақиқат, «Янгиобод» шу даҳанинг тўнғичи. Аммо қадимий маҳалланинг эҳтиёжлари ҳанузгача қондирилмапти. Жумладан, комитет раиси Оқил ака Қосимов, фаоллардан Турғун Авазов, Наби Ҳамидов, Абдурахмон Каримов, Уткир Тўлаганов ва бошқа жонқуярларнинг харчанд югуриб олишига қарамастан бир-икки қаддам наридаги газ ҳанузгача чойхона ва клубга уланганича йўқ.

Хўш, 2-ЖЭУ қачон бизга ёрдам қўлини чўзади?

А. ЖАЛИЛОВ,
мамоатчи мухбир.

Арзноманинг нусхаси

«Мевазор» — шаҳарнинг энг йиринк маҳаллаларидан бири. Лекин муаммоларининг оз ва кичкина эмас. Шу ёрдам оқиб ўтадиган «Қичириқ» ариғи устига кўприк қуриш керак. Кўприкни нўчаларимизга ҳаракат белгилари қўйилмаган, оқибатда тез-тез авариялар содир бўлади. Ариқларга лотонлар ўрнатилиш чала ҳолда қўйиб қўйилган, шу тўғрисида ошова сув иситиш тармоқларидаги чуқурларда тўпланиб, тубраларни ишдан чиқариб қўлади.

Кўпчилик кўчаларимиз қоронғи. Қирғи йиллик симбғочлар ҳам чириб аллақачон яросиз ҳолга келган. Энг жиддий нуқсон — шехбаза машиналари вақтида ташиб кетмагач, ахлат уюмлари кун сайин кўпайиб борибди.

Ана шу нуқсонлар битилган арзноманинг биринчи нусхасини С. Раҳимов район иқтисодиёт комитети раиси ўртоқ Раҳимбердиев номига жўнатган эди, аммо у киши негидир лом-лим демаяптилар. Балки бошқа «иқддий» ишлар билан банд бўлиб, иккинчи энг муҳим қилишга вақтлари бўлмаётгандир. Шунинг учун, ҳурматли қалам соҳиблари, сизларга мурожаат қилаёйми.

Аҳоли номидан:

О. ОБИДОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

«Сурнай навоси»дан дод!

Биз, 15-кварталдаги 42, 43, 44, 45, 46, 47 ва 48-уйларда истиқомат қилувчилар ўзининг янги маҳалламизга «Дўстлик» номини берганимиз. Чунки бу ерда жуда кўп миллат вакиллари оғанилардай дўст, иноқ бўлиб яшашаяпти. Афсуски, шу дўстлар ҳамжиҳат бўлсада ашаддий иккинчи душман ҳужумига дош беролмапти. Пайқаган бўлсангиз керак, гап пашша ва чивин галларни устидан борапти. Уларнинг дастидан на кечаси, на кундузи тинчлик бор. Улар Киров район меҳбаза ва санэпидстанцияси ходимлари шаънига «сурнай» чалиб, ахлат уюмлари устидан гулжон ўйнаб юришибди.

Районқўрамдаги раҳбарларимиз ҳам бу айтина «Сурнай наво»сини яқин кунларда эшитиб қолишса ажаб эмас!

Н. АБДУЛЛАЕВ.

— КУТУБХОНАМИЗДА 106 рақамли китоб бор. Уни оддий кўз билан ўқиб бўлмайди. Ҳажми жуда кичкина. Муаллиф Мухаммад Решид ибн Аббос Ҳожи Мухаммад ал-Аббоси Алансорийдир. Бу китоб ҳажми жуда кичкина, лекин баъзиларнинг нозиклиги билан ажралиб туради. Аждодларимиз ҳаттолик ва безаш ишларини шундай санъаткорона амалга оширганларки, улар ақл-заковатига таҳсинлар ўқийсиз.

— Кечирасиз, Тошкентда нашр қилинган ўша митти китоб ҳақида озгина тўхталасан. Бу кичкина китобни ношир Темурга тақдим қилади. Амр эса унга «Нега худонинг каломини жуда кичик ҳарфлар билан битдинг», деб жерикиб беради. Уста кейин катта ҳарфлар билан қуръон битишга жазм қилгани ва ҳар бир ҳарфни кичик за келадиган китоб битгани ва уни аробага юклаб Темурга тортиқ қилади. Ҳукмдор ўз аъёнлари билан сарой олдига чиқиб китобни катта ҳурмат ва иқром билан кутиб олади ва ҳатто катта муқофот тортиқ қилади...

— Афсус, бу китобни мутлоаа қилмаган эканман. Аммо мақсадимиз бир бўлгани ҳолда, иккинчи тараф — диний ходимлар ва олимлар ўзича мустақил илмий ишлар олиб боришгаётгани мени ҳайратга солади.

— Диний бошқарма билан Кўлбзмалар институти ўртасидаги алоқалар яхшим йўлга қўйилмагани!

— Турғунлик ҳақда шахсга сўраганимиз даврларда ҳаммамизга маълум кўп масалаларни ҳал этишда бизни четлаб ўтишарди, яъни эътибор беришмасди. Ҳозир яхшилик томон силжиш

бор. Яқинда кутубхонамизга ушбу институтдан илмий ходимлар келишиб китобларни рўйхатга олишни бошлашди. Ажаб эмас, бу ҳамкорлик кенгайиб бора.

Эканлиги айтилган, Иттифоқимизда шундай кутубхоналар билан алоқаларингиз яхшиям!

— Агар шахсий фикримни билмоқчи бўлсангиз, кутубхонамиз бебаҳо илм жавоҳирла-

ларни таҳлил этиш, баёнини тўғри тушунириб бериш тобора мушкуллашиб борапти. Кексаларнинг билими ҳозирги шарҳшунос олимларнинг билганидан асло қолишмайди. Афсус

даги бузилиб кетган Маҳмама масжидини билсангиз керак. У йиллар давомида оғир меҳнат завоғига қурилганди, унга ота-боболаримиз бор билимнинг сарфлаганиди. Асрлар оша яшади, аммо уни вайрон этишга ярим ой кифоя қилди. Тиклашга яна анча йиллар, кўп маблағ керак бўлади.

Энди ҳамма ишга янгича кўз, ақл-идрок билан қараш вақти келди. Сухбатимиз давомида жамиятимизда узоқ йиллар ичида рўй берган баъзи бир иллатлар ҳақида гаплашдик. Бу иллатларни бартараф қилмоқ қораларини излашамиз, жамиятнинг фаол аъзолари фикрини уйғотишимиз даркор.

— «Маҳалладош» муҳлисига тилларининг...

— Ҳар бир хонадоннинг фаршаси — китоб. Буни барча билади. Афсуски, кўплар қадимий китобларнинг мазмунини билан танишиб чиқмаган. Демак, уларнинг ҳақиқий қадри ва қимматини, мазмунини билишмайди. Бу китоблар ота-боболаримиздан мерос қолган энг катта бойлик. Уларни барчамиз эъзозлай билайлик. Истаган имконият топади, дейдилар. Ўқиб ўрганган. Тушунмаган жойларни олимлар, фозил кишилардан сўраб билинг. Шунангиз китоблар сизда бўлса ва сотмоқчи бўлсангиз, биз бажонидил харид қиламиз. Китоб, албатта, шахсий мулк, аммо шундай асарлар ҳам борик, улардаги маълумот давлат ва инсоният учун бениҳоя қадридли. Ҳар бир хонадонга саломатлик тилайман.

Сухбатдош Акбар ЮНУСОВ.

Маданий ёдгорликларимиз

Илм жавоҳири



Қадимий кўлбзмалар! Кўз олдимизга одатий китобларга ўхшамаган, ўзгача салоҳият ва салоҳият қашф этган нақшкор муқовали асарлар келади. Афсус, кўпчилигимиз уларнинг маънавий ҳаққонлигини ва боболаримизнинг қалб қўрини, кўз нуруни бағишлаб битган китобларини ўқий олмаймиз.

Республикамизда қадимий кўлбзмаларни ўқибгина қолмай таҳлил қилишга қодир бўлганлардан бири, Ўрта Осиё ва Қозғистон диний бошқармаси кутубхонаси ходими, мўлла Абдушукур Мухаммадрасул ўғлидир.

Энди яна бир асар ҳақида мулоҳаза юритсак. Унинг муаллифи хиротлик адиб Ҳусейн ибн Али Алвокиз Алқоширийдур. Китоб Алишер Навоийга бағишланган бўлиб аспматни насихатдан иборат бўлган. Ўзгача унинг Самарқанд қозғизига олтин рангда битган.

— Марказий матбуот сўхқаларида Қозон, Самарка каби шаҳарлардаги масжид ва медресалардан ноб китоблар топилиганини ўқигандим. Муаллифларнинг аксарияти Туркистондан

рига эга бўлсада, ҳамкасбларимиз ва кўшнларимиз билан алоқаларимиз мактағулик эмас. Аввало, ён ва жон қўшнларимиз Тожикистон, Қозғистон, Қирғизистондаги биродарлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш даркор. Ўзаро таъриб алмашиш, бир-бирларимиздаги китобларни ўқиб таҳлил этсак, деган ният бор. Ахир, араб ёзувидаги адабийларни мутлоаа қиладиган кексаларимиз тобора камийиб борапти. Шунинг учун ҳам биздаги мавжуд асар-

лардан вақтида оқилона фойдалана билмадик.

— Мадрасадаги талбалар ва бошқа диний ходимларчи!

— Сиз бизнинг бошқармага худди ўз илмий текшириш институти бор ташкилотдек қараясиз. Шояд бундай тадбирлар ҳам келгусида амалга ошса, аммо бизнинг ҳозирги асосий вазифамиз кўлбзмаларни кўз қорачиқидек сақлашдир. Ахир, маданий ёдгорликларимизни н кўп қисми йўқолиб кетди.

Бир мисол. Тошкент-



Аср тенгдошлари байрами

Санъат саройи майдонида Октябр районининг 60 йиллигига бағишланган кекса авлодларнинг тантанали кечаси бўлиб ўтди. Кечалда пойтахтимизда истиқомат қилаётган аср тенгдошлари — отахон ва онахонлар, шунингдек, турли миллат ва насб кишилари иштирок этишди.

Кексаларга район партия комитетининг масъул ходими О. Мухаммаджонов, маҳаллалар ишлари мувофиқлаштириш район кенгаши раиси Е. Обидов, даволаш-профилактик бирлашмаси бош врачининг ўринбосари Х. Мақсудовлар Октябр районининг 60 йил ичилиги бағрати ҳақида сўзлаб бердилар.

Кечалда 102 яшар Гўбейдин ота кўрган-кечирганларидан гап-риб берди. Шунингдек, И. Нико-



лаев, М. Ҳакимов, А. Исмолов каби кексаларимиз ҳам шу ерда тўпланганларга дўстлик, қардошлиқни ҳамisha гардиз сақлашни васият қилдилар.

Шахмат бўйича кексалар ўртасида ўтказилган мусобақага якун ясалиб, 90 яшар М. Ҳакимов ғолиб деб топилиб ва у фахрий ёрлиқ билан муқофотланди.

Д. ОБЛАЕВ.
© СУРАТЛАРДА: аср тенгдошлари байрамидан лавҳалар. В. Молгачев суратлари.

Юраги, хаёли сенда

Ассалом мўътабар уруғ-авлодим
Чинордай серилдиз хешу аждоим!
Помирдай боши тоғ, қадди шамшодим,
Бобакалон, онам — Боғиободим,
Чўлпон ота, Катта Қатни маҳаллам,
Ҳар қадами ҳикмат, маъни маҳаллам!

Не-не зукко, фозил, адиблар ўтган,
Не-не арбоб, аҳбоб, ҳабиблар ўтган,
Не-не пир у меъмор, табиблар ўтган,
Не-не уста боғбон, косиблар ўтган,
Тошкентда ардоқли буюк алломам!
Дорилфунун — мактаб, буюк маҳаллам!

Бир-бирига иноқ, аҳил, меҳрибон,
Бир-бирига қуда-анда, қадрдон,
Бир-бирига суянигугу сойбон,
Ҳар биттаси бир қўшиғу бир дoston
Танги, зариф, қалби дарё маҳаллам,
Бағри осмон, катта дунё маҳаллам!

Бўлса тўй-маърака бир тан, бир жонсиз,
Бир қатор тизилган дурсиз, маржонсиз,
Бирингиз қошу кўз, мадор-дармонсиз,
Ажралсам мен сиздан қоламан жонсиз,
Серҳикмат, серзаҳмат улғу маҳаллам,
Нияти покиза, қутлуг маҳаллам!

Ўргилай элимдан — пўлат қалқондан,
Арзийди унинг-чун кечсам ҳам жондан,
Искандар қадами қайда бўлса ҳам,
Юраги, хаёли сенда маҳаллам.

Искандар РАҲМОНОВ.

